



Business ombudsman institute in Russian Federation

Jamshid URUNOV¹

Commissioner for Protection of Rights and Legitimate Interests of Entrepreneurs under the President of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received December 2022

Received in revised form

15 December 2022

Accepted 20 January 2023

Available online

15 February 2023

Keywords:

representative for the
protection of the rights of
entrepreneurs,
business ombudsman.

ABSTRACT

This article describes the establishment of the Business Ombudsman Institute in the Russian Federation, the stages of the institute's development, and the powers and practice of the Business Ombudsman. Proposals for the development of the institute have been developed.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss1-pp44-49>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Россия Федерациясида бизнес-омбудсман институти

Калит сўзлар:

тадбиркорларнинг
хуқуқларини ҳимоя қилиш
бўйича вакил,
бизнес-омбудсман.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Россия Федерациясида Бизнес-омбудсман институтининг ташкил этилиши, институтнинг ривожланиш босқичлари ва Бизнес-омбудсманнинг ваколатлари ва амалиёти ёритилган. Институтнинг ривожланиши учун таклифлар ишлаб чиқилган.

Институт бизнес-омбудсмена в Российской Федерации

Ключевые слова:

представитель по защите
прав предпринимателей,
бизнес-омбудсмен.

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются особенности учреждения института бизнес-омбудсмена в Российской Федерации, этапы развития института, полномочия и практика деятельности бизнес-омбудсмена. Разработаны предложения по развитию института.

¹ Deputy Commissioner for Protection of Rights and Legitimate Interests of Entrepreneurs under the President of the Republic of Uzbekistan. E-mail: tv9guruh@mail.ru

Бундан бир неча йил аввал тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи кўтарилганда, одатда прокуратура, адлия органлари, судлар, баъзан парламент депутатлари ёки депутатлик комиссиялари уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи орган сифатида тушунилган бўлса, омбудсман институти эса тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институт сифатида кўрилмаган.

Сўнгги 10 йил ичида туб ўзгаришлар рўй бериб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ҳудудида бизнес-омбудсман институти фаолияти ташкил этила бошланди, бугунги кунда ушбу институтнинг фаолияти кенг тарқалмоқда.

Бизнес-омбудсман институти тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимидаги янги институт бўлиб, одатда, у тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини суддан ташқари ҳал этувчи қўшимча орган сифатида фаолият юритиб, тадбиркорлик субъектлари билан давлат органларини боғловчи кўприк вазифасини бажаради.

Бизнес-омбудсман институти кенг маънода тадбиркорлик соҳасидаги энг муҳим ва долзарб муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, давлат органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бизнес билан ҳамкорликда очиқлигини ошириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Шу ўринда, Россия Федерациясида давлат институти шаклида тузилган бизнес-омбудсман институти фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Россияда тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини тузиш масаласи Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 7 майдаги “Узоқ муддатли давлат иқтисодий сиёсати тўғрисида”ги Фармонида ўз аксини топган, унда 2012 йил 01 декабрга қадар Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини яратиш зарурлиги кўрсатилган.

Россия Федерацияси Президентининг 2012 йил 22 июндаги “Россия Федерацияси Президенти ҳузуридаги тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида”ги Фармони билан тадбиркорлар (бизнес) ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институти, Россия Федерациясининг Бизнес-омбудсмани ташкил этилган.

Бироқ мазкур Фармонда фақат Б.Ю.Титовни тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил этиб тайинлаш тўғрисида норма бўлиб, бизнес-омбудсманнинг фаолияти йўналишлари ва мақоми, унинг аппарати тузилмаси, соҳаларини белгиловчи бошқа нормалар кўрсатилмаган.

2013 йил 7 майдаги “Россия Федерациясида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар тўғрисида” Федерал қонуни Россия Федерациясида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини, уларнинг мақоми, тайинлаш тартиби, ҳуқуқий кафолатлари ва ваколатларини белгилаб берди.

Қонун 11 моддадан иборат бўлиб, унинг 8 та моддаси федерал Вакилнинг шахсига қўйиладиган талаблар, тайинланиш ва ишлаш тартиби, унинг девони фаолияти, асосий вазифалари, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва вазифаларни амалга оширишда унинг ҳуқуқлари белгиланган бўлса, 2 та моддасида ҳудудларнинг қонунларига асосан тайинланиши мумкин бўлган ҳудудий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар ва уларнинг фаолиятларини амалга оширишдаги вазифалари ва ҳуқуқлари белгиланган. Қонуннинг 11 моддаси қонуннинг

кучга кириши ва Бизнес-омбудсманга мурожаат қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартибини ишлаб чиқишга бағишланган.

Мазкур қонун нормалари умумлаштирилганда Бизнес-омбудсман институти фаолияти суддан ташқари шикоятлар бўйича аризачиларнинг муаммоларини ҳал қилишда давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасида воситачилик вазифасини бажаришини кўришимиз мумкин. Мазкур ҳолат хорижий мамлакатларнинг бизнес-омбудсманларининг фаолиятида ҳам кузатилади.

Табиийки, тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини кўриб чиқиш Вакилнинг асосий фаолият йўналиши сифатида қонун нормаларида ўз ифодасини топди.

Сабаби, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, биринчидан, муаммоларни тезкор ҳал қилишга ёрдам берса, иккинчидан, мурожаатларнинг таҳлили ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдаги оғриқли нуқталарни, соҳаларини аниқлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ёки тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклаш ва ҳимоя қилишда қонун нормаларини тўғрилаш имконини беради.

Қонунинг 1-моддасига асосан Бизнес-омбудсман Президент томонидан бизнес ҳамжамиятининг фикрини ҳисобга олган ҳолда беш йил муддатга ва кетма-кет икки муддатдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

Камида 30 ёшга тўлган, олий маълумотга эга Россия фуқароси Бизнес-омбудсман этиб тайинланиши мумкин.

Шу билан бирга, фаолияти давомида Бизнес-омбудсман Давлат Думаси депутати ёки Федерация Кенгашининг аъзоси, Россия Федерациясининг субъектларининг вакиллик кенгашларида депутати бўлиш ёки бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас, ўқитувчилик, илмий ёки ижодий фаолиятлар бундан мустаснолиги белгиланган.

Вакил лавозимга тайинланган кундан бошлаб 14 кундан кечиктирмай ўз мақомига мос келмайдиган фаолиятни тўхтатиши шарт. Унинг ваколатлари Президент қарори билан муддатидан олдин тугатилиши мумкин [1].

Вакилнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Россия ва хорижий тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини Россия ҳудудида ва россиялик ишбилармонларнинг ҳуқуқларини хорижий давлатларнинг ҳудудларида ҳимоя қилиш;

- федерал, минтақавий ва маҳаллий даражадаги ҳокимият органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган давлат институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- ишбилармон доиралар билан ўзаро ҳамкорлик;
- тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш [2].

Бизнес-омбудсман Президентга бўйсунди ва ҳар йил якуни билан Президентга ўз фаолияти натижалари, Россияда бизнес юритишнинг имкониятлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳолатини яхшилаш бўйича таклифларни ўз ичига олган

ҳисобот киритади. Ушбу ҳисоботлар Вакилнинг Интернетдаги веб-сайтида жойлаштирилиши ва “Российская газета”сида расман эълон қилиниши керак.

Одатда, Бизнес-омбудсман йиллик ҳисоботини ҳар йил 26 май – Тадбиркорлар кунида Президентга киритади [3].

Вакил институти таркибига қуйидагилар киради: минтақавий тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар, жамоатчилик асосида вакиллари, Россия Федерациясининг таъсис субъектларида жамоат қабулхоналари, улар давлат органлари ва жамоат процедуралари марказлари билан қўшма ишчи гуруҳларни ўз ичига олади [4].

Бизнес-омбудсманнинг 2015 йилда Президентга йўллаган маърузасида, институт тузилмаси шунингдек: Жамоатчилик кенгаши, Эксперт кенгаши, Мувофиқлаштирувчи кенгаш ва Эксперт марказини ўз ичига олади.

Йирик тадбиркорлик бирлашмалари вакилларида иборат Жамоатчилик кенгаши Вакилнинг жамоатчилик вакиллари ва ҳудудий омбудсманлар номзодлари, Вакилнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив бўлмаган ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорлари ва бошқа масалаларни муҳокама қилишда иштирок этади.

Экспертлар кенгаши юридик институтлар ҳолатини жамоатчилик экспертизасидан ўтказди ва тизимли муаммолар ва коррупция амалиётини таҳлил қилади, уларни бартараф этиш йўллариини таклиф қилади ва Вакилнинг Россия Федерацияси Президентига йиллик ҳисоботини тасдиқлайди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш фаолиятининг 35 та йўналиши бўйича Вакилнинг жамоатчилик вакиллариини бирлаштириб, улар тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларни, шунингдек, тегишли бўлимлар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этади. Кенгаш тадбиркорлик фаолиятнинг муайян йўналишлари бўйича муаммоларини тизимлаштиради ва уларни ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқади.

Эксперт маркази тегишли вазирликлар ва идоралар билан ҳамкорликда тизимли муаммоларни таҳлил қилади ва ечимини таклиф қилади. Аниқланган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлайди, Вакилнинг Россия Федерацияси Президентига йиллик ҳисоботини тайёрлайди, федерал ижро этувчи ҳокимият органлари, давлатнинг ривожлантириш институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллик институти Россия Федерациясининг барча 85 та субъектида тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисидаги қабул қилинган минтақавий қонунлар асосида ишлайди. Улардан 82 та субъектда Бизнес-омбудсманлар қонун ҳужжатларига мувофиқ тайинланади, федерациянинг 3 та, яъни Астрахан ва Томск вилоятлари, Красноярск ўлкасида Бизнес-омбудсманлар жамоатчилик асосда ишлайди [5].

2013–2022 йилларда Россия Федерациясининг Бизнес-омбудсманлари Президентга 105 та, ҳукумат раисига 153 та таклифлар киритган, ваколатли органларининг 2705 та текширувида, судларда даъвогар, учинчи шахс сифатида 5014 та ишни кўриб чиқишда иштирок этганлар, ижро этувчи ҳокимият органларининг ҳужжатларни бекор қилиш ёки тўхтатиб туриш бўйича 1031 та таклифлар, муниципал ҳужжатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида 4477 та кўрсатмалар, давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларига норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ва ўзгартиришлар бўйича 8794 та таклифлар киритилган.

Шу билан бирга, Вакил тадбиркорлар манфаатида судларда иштирок этиши мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, Вакилнинг фикрига кўра, суднинг қарори (хукми) билан тадбиркорнинг ҳуқуқлари бузилган ва ушбу қарор (хукум) қонунга мувофиқлаштирилиши лозим деб топилганда суд ишини ўрганиш ёки суд ҳужжатида нисбатан шикоят киритиш масаласи тўлиқ ҳал этилмаган. Натижада бу йўналишда Вакил тадбиркорларнинг тўлиқ ҳимоясини таъминлаш имкониятига эга эмас.

Шунингдек, Вакил мурожаатларни кўриб чиқиш натижасига кўра, ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлаганда ушбу ҳолатни бартараф этиш бўйича фақат тавсиявий маънодаги хулосаларни давлат органларига киритиши белгиланган. Бу эса, ушбу хулосаларнинг бажарилишининг паст даражада қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, О.В. Степанова, О.В. Сидоренколарнинг фикрига кўра, Россияда бизнес-омбудсман институтини қонунчилик билан тартибга солиш такомиллаштирилиши керак. “Россия Федерациясида тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакиллар тўғрисида”ги 2013 йил 7 майдаги 78-ФЗ-сонли Федерал қонунига барча Вакиллар лавозими даражасини аниқлаш бўйича ўзгартиришлар киритиш ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун алоҳида аппарат яратиш мақсадга мувофиқ.

Юқорида кўрсатилганларни инобатга олган ҳолда, шунингдек Россия Бизнес-омбудсман институтини мустақкамлаш ва ривожлантириш мақсадида тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилларга қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш масаласини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ:

- барча инстанцияларда ва барча турдаги суд ишларида ҳимоя қилинадиган субъектларнинг вакиллари сифатида штирок этиш;
- суд процессининг барча турларида даъвогар сифатида чиқиш, ишда хулоса бериш, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш учун аралашиш;
- ишда иштирок этиш ваколати берилган судларнинг тадбиркорлар билан боғлиқ иш материаллари билан танишиш;

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, бизнес-омбудсман институти тадбиркорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми бўлиб, ушбу институтнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ривожланиши тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишга ва натижада ривожланишига хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Николаева Т., “Институт бизнес-омбудсмена в Российской Федерации”, Государственная служба, 2015 г., №5 (97).
2. Степанова О.В., Сидоренко О.В. «Институт бизнес-омбудсмена в России и мире: историко-правовой аспект», Постулат. 2020. №5 (55),
3. Федеральный закон «Об Уполномоченных по защите прав предпринимателей в Российской Федерации» №78-ФЗ, 07.05.2013 г.
4. Доклад Уполномоченного при Президенте РФ по защите прав предпринимателей Президенту Российской Федерации. 2015 год // http://doklad.ombudsmanbiz.ru/pdf/2015_institut.pdf
5. Доклад Уполномоченного при Президенте РФ по защите прав предпринимателей Президенту Российской Федерации. 2022 год // <http://doklad.ombudsmanbiz.ru/2022/1-22.pdf>